Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 26 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 86 (13.149)

Баҳоси эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ МОСКВАГА КЕЛДИ

МОСКВА, 25 апрель.
ЎзА махсус мухбири Анвар САМАДОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 25 апрель куни расмий ташриф билан Москвага келди.

Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган "Внуково-2" аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Тантанали кутиб олиш маросимидан кейин Ўзбекистон делегацияси ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Шу куни Ислом Каримов билан Владимир Путиннинг норасмий учрашуви бўлиб ўтди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 26 апрелга белгиланган.

Икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон – Россия ҳамкорлиги ривожининг долзарб масалаларини муҳокама қиладилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик айрим муаммолар юзасидан фикр алмашадилар.

Аввал хабар қилинганидек, музокаралар якуни бўйича Ўзбекистон билан Россиянинг турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланган.

(ЎзА)

26 апрель — Амир Темур ордени таъсис этилган кун

КУЧ-ҚУДРАТИМИЗ ТИМСОЛИ



Истиқлолга эришганимиздан сўнг кўплаб улуғ аждодларимиз сингари Амир Темурнинг ҳам муборак номи, бой мероси тикланди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1996 йили Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди. Мазкур сана муносабати билан ўша йил мамлакатимизда Амир Темур йили, деб эълон қилинди. Таъсис этилган Амир Темур ордени юртимизда Соҳибқирон сиймосига кўрсатилаётган чуқур ҳурмат ва эътиборнинг ифодасидир.

Амир Темур тарихимиздаги энг буюк, энг ёркин сиймолардан бири сифатида халқимизнинг миллий ифтихори рамзига айланган. Унинг ҳаёти ва фаолияти мардлик, жасурлик ва фидойилик намунаси сифатида ибрат, авлодларга қолдирган бой мероси халқимизнинг сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳаётида муҳим дастуруламал бўлиб келмоқда. Соҳибқирон раҳнамолигида бунёд этилган бетакрор обидалар, осори-атиқалар буюк бобомизга хос куч-қудрат, яратувчанлик ва боқийлик тимсоли бўлиб келаётир.

Орден марказида Соҳибқироннинг от устидаги улуғвор қиёфаси акс эттирилган, тасвир остида бобомиз ҳаётда қатъий амал қилган шиор – "Куч – адолатда" сўзлари битилган. Бобокалонимизнинг ҳаётий эътиқоди теран акс этган бу ҳикмат бугунги кунда давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг ҳам туб мазмун-моҳиятини ифодалайди.

Амир Темур ордени билан давлатчилигимизни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, меъморликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шу жумладан, ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга, давлатлараро ҳамкорликни, тинчликни ҳамда халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга алоҳида ҳисса қўшган юртдошларимиз, шунингдек, мамлакатимиз фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланади.

Фуқаролар билан бир қаторда, айрим ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар ва ҳарбий бўлинмалар, мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам ушбу орден билан мукофотланиши мумкин.

1996 йил 28 августда бобокалонимизнинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан Президентимиз фармонига биноан Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари, 2014 йил 22 августда Термиз шаҳри Амир Темур ордени билан мукофотланди.

Мустақиллик йилларида қутлуғ тўйлари нишонланган бу шаҳарлар янада чирой очди. Меъморий обидалар, муқаддас қадамжолар ободонлаштирилиб, файзли зиёратгоҳларга айлантирилди. Янги, замонавий уй-жойлар, таълим, маданият муассасалари, йўлу кўприклар бунёд этилди, боғ-роғлар яратилди. Бундай эзгу ишлар кўлами янада кенгайиб бораётир.

2004 йилнинг 13 июль куни юртимиз тарихида илк бор ўзбек ўғлони – Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Шахматчимизнинг бу юксак ғалабаси муносиб баҳоланди – Президентимиз фармонига биноан Рустам Қосимжонов Амир Темур ордени билан тақдирланди. Бу Соҳибқирондан мерос юксак ақл-заковат бугунги авлодлар томирида яшаётгани, истиқлол яратган имкониятлардан кучқувват олиб, ўзини намоён этаётганининг гўзал ифодасидир.

Бу йил мамлакатимизда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги кенг нишонланмоқда. Зеро, асрлар ўтсада, улуғ саркарданинг Ватан, халқ олдидаги улкан хизматлари ўз аҳамиятини йўқотмайди. Унинг улуғвор, покиза сиймоси барчамизни янгидан-янги зафарларга, улкан ютуқларга ундовчи куч-қудрат манбаи, буюклик, ҳурлик ва мангулик тимсоли бўлиб қолаверади.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Боқий қадриятлар

ҲАР ЧОКИДА ҚАЛБ ҚЎРИ БОР

Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб қувватлаш тўғрисида"ги Фармони бадиий ҳунармандчилик анъаналарини асраб-авайлаш ва янада бойитишда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳунармандлар сулоласининг тўртинчи авлоди Мадина Қосимбоева ўз касбининг етук устаси.

– Каштачиликка меҳрим баланд, – дейди Мадина. – Ҳунармандликнинг бу тури билан ўн саккиз йилдан буён шуғулланаман. Одатда, каштада гул, турли геометрик ва фазовий жисмлар, мева ва ҳайвонларнинг тасвирлари, кейинчалик инсон қиёфаси ва тарихий обидалар рангли иплар жилоси ёрдамида акс эттирилган. Мамлакатимизда халқ амалий санъатини равнақ топтириш борасида яратилган имкониятлар кўпроқ изланиш, қадимий анъаналарни тиклаш ҳамда ривожлантиришга бўлган иштиёқимни оширмоқда.

Мадина тиккан кашта, сўзаналар ва миллий либослар кўпчиликка манзур бўлаётир. У "Ташаббус – 2016" кўрик-танловининг Олмазор тумани босқичида "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" номинацияси бўйича ғолиб бўлиб, Тошкент шаҳар, сўнгра мамлакат босқичига йўлланма олди. Кўрик-танловнинг мамлакат босқичида биринчи ўринни қўлга киритди.

М.Қосимбоева тиккан Тошкент палаклари, сўзана, чойшаб, дастурхон, ёстиқ жилдлари, чопон, аёллар кўйлаги, нимча, дўппи, пешонабанд намуналари нафақат мамлакатимизда, балки хорижий давлатларда ҳам яхши маълум. Ушбу маҳсулотлар АҚШ, Италия, Жанубий Корея, Россия, Озарбайжон, Қозоғистон каби давлатларда нуфузли кўргазмаларда намойиш этилган. АҚШда ўтказилган "Ўзбек халқ амалий санъати" кўргазмасида у яратган миллий ҳунармандлик буюмлари барчага манзур бўлиб, фахрли ўринга сазовор бўлди. 2015 йилда ЮНЕСКО томонидан "Анъанавий ҳунармандлик бўйича" сифат белгиси сертификати билан тақдирланди. Унинг инглиз ва рус тилларини билиши меҳнат фаолиятида қўл келмоқда.

– Юртимизнинг кўплаб ҳунармандлари қатори халқаро кўргазмаларда иштирок этиб, каштачилик буюмларини намойиш қилмоқдаман, – дейди у. – Маҳсулотларимизни кўрган хорижликлар ҳайратидан кўнглим тоғдек кўтарилади, қалбим фахрифтихорга тўлади. Юртбошимиз раҳнамолигида хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак эътибор опасингилларимиздаги эртанги кунга ишонч туйғусини мустаҳкамлаб, оилаларнинг аҳил, ҳаётимизнинг янада мазмунли ва гўзал бўлишига хизмат қилмоқда.

(Давоми 3-бетда)

Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ — САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Соҳада нафақат пахта ва ғалла, балки мевасабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик каби тармоқлар ҳам жадал ривожланмоқда. Ер майдонларининг оптималлаштирилиши натижасида ўтган йилда 17 минг 500 дан ортиқ янги фермер хўжалиги ва 250 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди. Кўпроқ ютуқларга эришилишида аграр қонунчиликни такомиллаштириш, ер, сув ресурсларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш долзарб аҳамиятга молик.

Тошкент давлат юридик университетида аграр соҳа қонунчилигини такомиллаштириш масалаларига бағишлаб ташкил этилган республика илмий-амалий конференциясида шулар ҳақида сўз борди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермерлар кенгаши масъул ходимлари, олимлар иштирок этди.

– Ўзбекистон БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотига аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришган 14 давлатдан биридир, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент давлат юридик университети доценти Матлуба Мирзаабдуллаева. – Бунда экин майдонларининг оптималлаштирилаётгани ва замонавий агротехнологияларнинг жорий этилаётгани алоҳида ўрин тутмоқда.

Конференцияда Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Меҳнат кодекси, "Фермер хўжалиги тўғрисида", "Деҳқон хўжалиги тўғрисида", "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунларидан келиб чиқиб, ер, мулк, ташкилий-бошқарув ва меҳнат муносабатларининг мақсади, вазифаси, объект ва субъектлари, ушбу соҳадаги субъектларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, аграр соҳа давлат томонидан тартибга солинишининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилди. Соҳадаги мавжуд муаммолар, уларнинг ечимлари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Н.АБДУРАИМОВА

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқандда фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланиш мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ташаббуси билан таълим муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва фойдаланувчиларга электрон кутубхона хизматлари кўрсатишни янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилган анжуманда мамлакатимиз вакиллари билан бирга, ўндан ортиқ хорижий давлатлардан соҳа мутахассислари, экспертлар иштирок этди.

● Ургут агротадбиркорлик ва сервис касб-ҳунар коллежида "Ёш чегарачилар" ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг Самарқанд вилояти босқичи ўтказилди.

● Наманган вилоятининг Чортоқ туманида ёш оилалар учун бунёд этилган "Камолот" уйи фойдаланишга топширилди.

● Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида глобаллашаётган ахборот муҳити шароитида ёшларда ижтимоий-сиёсий жараёнларга муносабатни шакллантириш, интернет тармоғи орқали кузатилиши мумкин бўлган турли информацион хуружлар ва мафкуравий таҳдидларга қарши ғоявий иммунитетни янада мустаҳкамлашга қаратилган давра суҳбати ўтказилди.

● Андижон санъат коллежида замонавий рақс ижрочилари ўртасида ўтказилаётган "Ёшлик завқи" республика танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ҳамкорлигида ўтказилган танловда 70 га яқин ўқувчи замонавий ва эстрада-спорт рақслари йўналишида ижро маҳорати, саҳна маданияти бўйича маҳоратини намойиш этди.

ЖАҲОНДА

● Нью-Йоркдаги БМТ Бош қароргоҳида иқлим бўйича Париж келишувини имзолаш маросими ўз ниҳоясига етди. Ушбу ҳужжатни ҳалқаро ҳамжамиятга аъзо 175 давлат имзолади. Мазкур келишув 2015 йил 12 декабрда Париждаги анжуман якунларига кўра қабул қилинган бўлиб, унинг иштирокчилари сайёрамизда 2100 йилгача ўртача ҳаво ҳароратининг икки даражага ошишига йўл қўймасликка келишиб олганди. Париж келишуви 2020 йилдан кейин Кёто протоколининг ўрнини эгаллайди.

● Непал пойтахти Катманду шаҳрида бундан роппа-роса бир йил олдин юз берган ва 9 минг кишининг ҳаётига зомин бўлган, катта вайронагарчиликларни келтириб чиқарган зилзила қурбонларини хотирлаш маросими бўлиб ўтди.

● Япониянинг "Hitachi" компанияси харидорларга хизмат кўрсатувчи "EMIEW" роботининг учинчи намунасини тақдим этди. Робот дўконга кириб, у ёки бу масалада ёрдамга эҳтиёж сезадиган харидорларга кўмаклашиш, "ҳамкасблари" билан маълумот алмашиш имкониятига эга. "EMIEW" роботининг яна бир ўзига хос хусусияти — овозни фарқлайди. Дўконда шовқин бўлишига қарамай, ўзи хизмат кўрсатаётган харидорнинг овозини адашмай ажрата олади. Компаниянинг маълум қилишича, бундай роботлар 2018 йилдан бошлаб харидорларга хизмат кўрсата бошлайди.

Куни кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида жорий йилнинг биринчи чорагида Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари масаласига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов олиб борди.

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 15 январдаги мажлисида белгилаб берилган энг муҳим устувор вазифаларнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг ижроси, жумладан, 2016 йилнинг биринчи чорагида Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг муҳим устувор йўналишлари бўйича белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳамда муҳим тадбирларни белгилаб олиш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Йиғилишда ҳисобот даврида ялпи ҳудудий маҳсулот ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 9,4 фоизга ўсганлиги, шу жумладан саноат маҳсулотлари, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, пудрат-қурилиш ишлари, чакана савдо айланмаси ва пуллик хизматлар ҳажми борасида иқтисодий ўсишига эришилгани таъкидланди.

Шунингдек, биринчи чорак якунларига кўра, кичик бизнеснинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 60,6 фоизни, саноатдаги улуши 68,5 фоизни, хизматдаги улуши 62,4 фоизни, аҳоли бандлигида улуши 56,1 фоизни ташкил этгани қайд этиб ўтилди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 97 та лойиҳа бўйича импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, белгиланган прогноз 113,3 фоизга бажарилган.

Бандлик дастурига асосан жорий йилнинг биринчи чорагида 19,5 мингта янги иш ўринлари ташкил этилгани, шундан 6,3 мингтаси кичик бизнес субъектлари томонидан яратилгани маълум қилинди.

Шу билан бир қаторда, ҳисобот даврида ишлаб чиқариш ҳажмларини камайтирган асосий саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш суръатларини оширишга йўналтирилган чораларга қарамасдан, ишлаб чиқариш ҳажмларини пасайтирган корхоналар масаласига танқидий тўхталиб ўтилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини камайтирган йирик саноат корхоналарида, шунингдек чакана савдо ва хизматлар ҳажмларини камайтирган корхоналарда жорий йилда ижобий кўрсаткичларга эришиш чоралари белгиланди.

Маҳаллийлаштириш дастурида белгиланган прогноз кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш юзасидан тадбирлар аниқлаб олинди. Жорий йилнинг иккинчи чорагида шаҳар экспорт салоҳиятини кенгайтириш, айниқса саноат маҳсулотлари экспорти ҳажмини ошириш масалаларига жиддий эътибор қаратилди.

Шунингдек, 2016 йилда камида 8 мингта кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган тижорат банк кредитлари ҳажмини 1,3 мартага ошириш бўйича аниқ чоралар кўрилиши белгиланди.

Бундан ташқари, тегишли вазирлик, идора, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда муддати ўтган қарздорликни қисқартириш ҳамда ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши юзасидан етказиб берувчилар ва истеъмолчиларнинг жавобгарлигини кучайтириш бўйича алоҳида иш ташкил этилиши таъкидланди.

Жорий йилда истиқболли инвестиция лойиҳаларини шакллантириб бориш, айниқса саноатни жадал ривожлантириш ва кўплаб янги иш ўринлари ташкил этишга йўналтирилган лойиҳаларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу йил касб-ҳунар коллежларини битирадиган 24,8 минг нафар ёшларни эгаллаган касблари бўйича бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган коллеж битирувчиларига тижорат банклари томонидан кредит маблағларининг ажратилиши бўйича муҳим вазифалар белгиланди.


Йиғилиш давомида 2016 йил учун белгиланган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш учун барча имкониятлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди.

Тошкент шаҳар фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари У.Розукулов иштирок этди.



АВИАЙЎЛОВЧИЛАР УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

"Тошкент" халқаро аэропортида реконструкция ишларидан сўнг йўловчилар учун янги Business Lounge (бизнес-зал) фойдаланишга топширилди.



ЎзА олган суратлар

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси халқаро авиаташувчилар бозорида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга. Мустақиллик йилларида авиакомпания Президентимиз раҳнамолигида қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида соҳада муваффақиятли ислоҳотларни амалга ошириб, хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтарди. Авиайўловчиларга юқори даражада қулай шароитлар яратилган янги бизнес-залнинг реконструкциядан сўнг ишга туширилиши бу борадаги ишларнинг мантиқий давомидир.

Авиакомпания мутахассисларининг сўзларига кўра, бизнес-зал дизайнини яратишда янги архитектура йўналиши ва технологиялари инобатга олинган. Бу ерда йўловчиларни рўйхатдан ўтказиш ва юкларни текшириш учун жаҳон талабларига жавоб берадиган замонавий ускуналар ўрнатилган.

160 ўринга мўлжалланган кенг ва шинам кутиш залининг майдони 350 квадрат метр бўлиб, бу ерда йўловчилар учун ўйин майдончасига эга она ва бола хонаси, ювиниш, тиббий ёрдам кўрсатиш хоналари, савдо дўкони мавжуд. Шинам кафебарда хилма-хил таом ва ичимликлар таклиф этилади. Қулай мебель, кенг форматли телеэкранлар, бепул Wi-Fi ва кундалик матбуот нашрлари йўловчилар ихтиёрида. Шунингдек, янги залда жисмоний имконияти чекланган инсонлар учун ҳам махсус хизмат таклиф этилади.

М.МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири

ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Пойтахтимизда "Иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларга қарши курашишнинг миллий тажрибаси: бугунги ҳолати ва қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари" мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари, Бош прокуратура, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Адвокатлар палатаси ҳамда бир қатор олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси бошлиғи Ш.Икромов ва бошқалар мамлакатимизда терроризм, экстремизм, коррупция, гиёҳвандлик моддалари савдоси ҳамда уюшган жиноятчиликнинг бошқа турларига қарши курашиш юзасидан амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини сақлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Жиноятчиликка қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш кенг қамровли комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади. Фуқаролар, айниқса, ёшлар ўртасида тарғибот-тушунтириш ишларини янада кучайтириш, иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларга қарши курашишни тартибга солувчи қонунчилик ва унинг механизмларини такомиллаштириш, халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бу борадаги долзарб масалалар ҳисобланади.

Анжуманда жиноят қонунчилигининг иштирокчиликка оид нормаларини қўллашда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, илғор халқаро тажрибаларни ўрганган ҳолда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликнинг иштирокчиликка оид нормаларини қўллаш амалиётини ҳамда жиноятда иштирокчилик институтини такомиллаштириш каби масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА)

ТЕМИР ЙЎЛ ТИЗИМИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Жорий йилнинг ўтган уч ойи давомида "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг темир йўл станцияларидан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100 минг тонна кўп, яъни 16,7 миллион тонна юк ортилиб, ўз манзилига етказилган. Шу давр мобайнида 4,9 миллион йўловчи темир йўл транспорти хизматидан фойдаланган, 81,4 миллион АҚШ доллари миқдорида экспорт хизматлари кўрсатилган.

Шу ва тармоқда амалга оширилган бошқа ишлар ҳақида Миллий матбуот марказида "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг 2016 йилнинг биринчи чорак якунлари ва соҳада амалга оширилаётган йирик лойиҳаларга бағишланган матбуот анжуманида батафсил маълумот берилди.

Тадбирда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни жадаллаштириш, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, иқтисодий барқарорликни таъминловчи кўрсаткичларни яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Инвестиция дастурига мувофиқ "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти томонидан ўтган давр мобайнида 187,47 миллион АҚШ доллари миқдорида капитал маблағлар ўзлаштирилди. Мазкур маблағлар Ангрен-Поп темир йўл линиясининг қурилиши, Самарқанд-Бухоро йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар ҳаракатини ташкил этиш, Қарши-Термиз темир йўл участкасини электрлаштириш ҳамда темир йўлларни реабилитация қилиш, локомотивларни қайта тиклаш, юк вогонларини хизмат муддатини узайтириш, модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш ишларига йўналтирилиши кўзда тутилган.

Анжуманда амалга оширилаётган йирик лойиҳалар бўйича қилинган ишларга ҳам тўхталиб ўтилди. Жумладан, Ангрен-Поп электрлаштирилган янги темир йўл линиясида, Самарқанд-Бухоро ҳамда Навоий-Конимех-Мискен йўналишида темир йўл қурилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилди. 27 февраль куни Ангрен-Поп электрлаштирилган янги темир йўл линияси доирасида барпо этилаётган туннелда бурғулаш, кавлаш ишлари тўлиқ тугатилди. Ҳозирда туннелда сўнгги пардозлаш, пўлат излар ётқизиш ва электрлаштириш ишлари давом эттирилмоқда.

Шунингдек, тармоқда янги иш ўринларини яратиш, аҳоли, хусусан, ёшлар бандлигини таъминлашга ҳам эътибор қаратилаётгани ва ўтган вақт давомида тизимда элликка яқин иш ўринлари яратилганлиги айтиб ўтилди.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан атрофлича жавоб олишди.

Абдуалим САЛИМОВ

Халқимиз қадимдан ўз ҳаёти, турмуш тарзини маҳалладан айри тасаввур этмаган. Азал-азалдан бу маҳаллий ўзини ўзи бошқарув шакли муайян ҳудудда яшовчи аҳоли манфаатлари, мақсад ва интилишларини бирлаштириб, уларни амалга ошириш йўлида бошини қовуштирувчи, эзгуликларга руҳлантирувчи маскан сифатида фаолият кўрсатиб келган. Кўплаб масалаю муаммолар ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий-маърифий марказ ҳисобланган маҳалла гузарида обрў-эътиборли оқсоқоллар иштирокида муҳокама этилиб, энг тўғри, адолатли қарорга келинган.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

ХАЛҚ ИШОНЧИ — КАТТА МАСЪУЛИЯТ

Мустақиллик йилларида маҳалла институти фаолияти янгича, замонавий мазмун-моҳият касб этди. Хусусан, Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" дастурининг бош йўналишларидан бири давлатнинг бир қатор ваколатларини маҳаллий давлат органларига, жамоат тузилмаларига ва ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топширишдан иборат бўлиб ҳисобланди. Бу жараёнда, хусусий мулкни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари, биринчи навбатда, маҳаллий давлат органлари ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал этилиши белгиланди. Шундай экан, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" дастурининг ҳаётга кенг жорий этилишида фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, ўзини ўзи бошқариш органи бўлмиш маҳалла институтининг ўрни муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, ўтган йиллар давомида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимига оид элликдан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ҳамда унинг фаолиятини тартибга солувчи иккита қонун қабул қилинди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика ва ҳудудий Кенгашлари тузилганлиги, маҳалла соҳасига оид 15 га яқин низомларнинг тасдиқланганлиги мазкур институт ривожида муҳим қадамлардан бўлди. Шу билан бирга, қонун ҳужжатлари асосида фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқи ҳисобланган жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишнинг йўлларидан бири сифатида давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш эканлиги белгилиб қўйилди.

2013 йил 22 апрелда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва "Фуқаролар йиғини раиси(оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунлар янги таҳрирда қабул қилинди.

Янги таҳрирда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ва жамиятнинг деярли барча соҳаларида ўрни ва роли муҳим эканлиги белгилаб берилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, янги таҳрирдаги қонунларда ушбу тизим фаолиятини амалга оширишда ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилиши борасидаги тартиб-қоидалар кўрсатилган.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва "Фуқаролар йиғини раиси(оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунларга кўра, сайлов жараёнида номзодлар маҳаллий аҳоли ўртасида обрў-эътиборга ҳамда ҳаётий тажрибага эга, фидойи инсонлар орасидан танлаб олинади.

Фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш ошкоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида, икки ёки ундан кўп номзод кўрсатилган ҳолда амалга оширилади. Шунингдек, фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва унинг маслаҳатчилари икки ярим йил муддатга сайланади. Сайловлар "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан ташкил этилади ва ўтказилади.

Сайлов муносабати билан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари ташкил этилиб, оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб борилади.

Айни пайтда юртимизда жорий йилнинг май-июнь ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтади. Жойларда шу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

Ушбу сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) қарори билан ишчи гуруҳ тузилиб, улар томонидан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар бўйича таклифлар тайёрланиб, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимдаги "Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат" мавзусидаги маърузасида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишга қаратилган ҳамкорликдаги чора-тадбирлар Дастури ишлаб чиқилган. Ушбу Дастурга мувофиқ ишчи гуруҳ томонидан "Қонунлар адолат манбаи ва мезонларидир" мавзусида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида семинарлар ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланган.

Ушбу режага мувофиқ ҳамкорликдаги ташкилотлар томонидан сайловолди тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Бундан кўзланган мақсад аҳолини жамият ҳаётидаги сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини юксалтириш, уларни сайлов жараёнларига ижобий қатнашишларини таъминлашдан иборат. Чунки сайловларга ҳеч ким бефарқ қарамаслиги ва ундан четда турмаслиги лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, фуқаролар йиғини раиси ниҳоятда масъулиятли лавозим бўлиб, у маҳалла органларининг қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалари ижросини ташкил этиши, давлат органларида, юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда фуқаролар йиғини номидан иш олиб бориши ҳамда унинг манфаатларини ифодалаши зарур. Бундай масъулиятли вазифа эгаси аввало ўзининг ташкилотчилиги, халқ-атвори, билими, ижтимоий фаоллиги билан ажралиб туриши, эл орасида обрў-эътибор қозонган бўлиши керак. Маҳалла аҳли сайлов жараёнида фаоллик кўрсатиб, номзодлар орасидан энг муносибларини танлаши лозим. Чунки халқ ишониб сайлаган номзод зиммасига юклатилган вазифаларни самарали адо этадиган, маҳаллага таянч бўладиган, элу юрт учун жонбозлик кўрсатиб, уларни ҳамиша қўллаб-қувватлайдиган, ишончларини оқлайдиган бўлиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятдаги тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, миллий қадриятларни ривожлантириш, фуқаролар фаоллигини ошириш воситаси бўлган маҳалла институтини ҳар томонлама юксалтиришда сайлов жараёнида фаол иштирок этиб, бу сиёсий тадбирга масъулият билан ёндошсак кутилган натижага эришилади.

Абдураҳмон САФАЕВ,
Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

МЕҲР-МУРУВВАТ АКЦИЯСИ

Пойтахтимиздаги Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионатида 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан меҳр-мурувват акцияси бўлиб ўтди.

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ёши улуғ инсонларни ижтимоий муҳофаза қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш ва уларга муносиб турмуш шароити яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Акция иштирокчилари пансионатда имконияти чекланган нуронийларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳаёт даражасини юксалтириш учун яратилган шароит, қулайлик ва имкониятлар билан танишди.

Фахрийларни санаторийларда соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кўриши, эшитишида нуқсони бор кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун қатор хайрия тадбирлари ўтказилди. Мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойлари, жумладан, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива каби қадимий шаҳарларга саёҳат ташкил этилди.

– Президентимиз раҳнамолигида кексаларни қадрлаш, саломатлигини яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда, – дейди ЎзА мухбирига Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Муҳаммад Ҳусаинов. – Бугунги хайрия тадбири ушбу эзгу ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Совға-саломлар берилди. Саломатлигимизни яхшилаш бўйича шифокорлардан маслаҳат ва тавсиялар олдик.

Хайрия тадбири доирасида турли ташкилот ва корхоналар томонидан кексаларга зарур истеъмол товарлари ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ш.МАМАТУРОПОВА

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

МАЛАКАЛИ ПЕДИАТРЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соғлом авлодни тарбиялаш масаласига доимий эътибор қаратилмоқда.

Бу вазифани амалга ошириш кўп жиҳатдан тиббиёт муассасаларининг кадрлар салоҳиятига, айниқса, болалар шифокорларининг билим ва малакасига ҳам боғлиқдир.

***Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори, тиббиёт фанлари доктори Ботир ДАМИНОВ** ушбу соҳа мутахассисларини тайёрлаш, жаҳон тиббиётининг илғор усулларини таълим жараёнига жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.*

– Институтимизда педиатрия, тиббий педагогика ва даволаш иши факультетлари, олий ҳамширалик иши бўлимида уч мингдан зиёд талаба таҳсил олмоқда. Магистратура йўналишида ўттизга яқин ихтисослик бўйича тўрт юз иқтидорли ёш илмий изланишлар билан шуғулланмоқда. Уларга беш юзга яқин профессор-ўқитувчилар сабоқ бераётир.

Талабалар бакалавр босқичида етти йил таҳсил олиб, умумий амалиёт шифокори сифатида иш бошлайди. Улар асосан бирламчи тиббий-санитария бўғинида фаолият олиб боради. Биласиз, тиббий таълимда амалиёт муҳим ўрин тутади. Институт ҳузурида мустақил ўқув-врачлик маркази ташкил этилган. Унда қишлоқ врачлик пунктларидагидек шароит ва тартиб яратилган. Бу талабаларнинг билимини амалиётда мустаҳкамлаши, бўлғуси фаолиятига кўникма ҳосил қилишига ёрдам беради. Талабаларга клиник фанлар тўртинчи курсдан бошлаб илмий-амалий тиббиёт марказлари, шифохоналар, оилавий поликлиникаларда ўқитилади.

Таълим жараёнида ёшларга замонавий илм-фан ютуқлари билан бир қаторда тиббиётимиз тарихи, аждодларимизнинг ушбу соҳадаги мероси чуқур ўргатилмоқда. Хусусан, буюк бобокалонимиз Ибн Сино тиббиётнинг кўплаб йўналишлари сингари педиатрия ривожига ҳам катта ҳисса қўшган. Алломанинг касалликлар профилактикаси, диагностика ва даволаш усулларига оид маълумотлари бугунги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Болаларга тиббий хизмат кўрсатиш ғоят масъулиятли ва мураккабдир. Уларга, айниқса, ўз дардини айтолмайдиган чақалоқларга тўғри ташхис қўйиш, самарали ва асоратсиз даволаш шифокордан катта билим, маҳорат талаб этади. Шу боис институтда касалликларнинг белгилари, ташхис қўйиш усуллари ва воситалари, бу борадаги жаҳон тиббиёти ютуқлари чуқур ўргатилмоқда.

Институтимиз магистратура таълимининг олти йўналиши – педиатрия, анестезиология ва реаниматология, неврология, неонатология, юқумли касалликлар, жарроҳлик соҳалари бўйича таянч олий ўқув юрти этиб белгиланган.

Президентимиз раҳнамолигида болаларнинг соғлом туғилиши ва соғлом улғайиши учун барча шароит яратилмоқда. Соҳага тиббиётнинг янги йўналишлари кириб келмоқда, илм-фан ютуқлари амалиётга самарали татбиқ этилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимида ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик ривожланаётгани бунда муҳим омил бўлаётир.

Мамлакатимиз олимлари ҳам жаҳон тиббиётининг долзарб масалалари бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда. Институтимиз олимларининг болалар ошқозон-ичак, ўпка, буйрак касалликлари профилактикаси, диагностикаси ва даволаш усуллари, иммунитет танқислиги ҳолатлари патогенези ва коррекциясига бағишланган ихтиролари жаҳон тиббиёти тараққиётига муҳим улуш бўлиб қўшилди. Икки юздан кўпроқ ихтирога муаллифлик гувоҳномаси олинди, беш юздан зиёд рационализаторлик таклифи киритилди.

Тиббиётимиз эришаётган бундай ютуқларни кенг оммалаштириш, жаҳон тиббиётининг илғор усулларини тарғиб этиш мақсадида институтимизда мамлакатимиз шифокорлари ва хорижлик мутахассислар иштирокида тиббий-ижтимоий акциялар, илмий анжуман ва семинарлар ўтказилмоқда.

Профессор-ўқитувчиларимиз томонидан кўплаб дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар яратилиб, амалиётда улардан самарали фойдаланилмоқда. Институт ахборот-ресурс марказининг моддий-техник базаси такомиллашиб, китоб фонди кўпаймоқда. Талаба ва ўқитувчилар интернет тармоғига уланган компьютерлар орқали жаҳон тиббиётига оид янгиликлар билан танишиб бормоқда.

Бугунги кунда давлат гранти асосида тиббиётда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, болалар касалликларининг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашнинг самарали усулларини яратишга оид йигирмага яқин тадқиқот олиб борилаётир. Уларнинг натижалари репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, "Соғлом она – соғлом бола" дастурида белгиланган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим омил бўлади.

Илмий лойиҳаларда талабалар ҳам фаол иштирок этмоқда. Кейинги йилларда беш талабамиз Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси, тўққиз нафари Ибн Сино стипендияси совриндори бўлгани ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятидан далолатдир.

Мамлакатимиздаги етакчи олий таълим ва илм-фан марказлари, хориждаги нуфузли илмий марказлар билан ҳамкорлигимиз йилдан-йилга ривожланмоқда. Жаҳон илм-фани ва тиббиётининг илғор ютуқларини ўрганиш ва ундан самарали фойдаланиш мақсадида ривожланган мамлакатларнинг йигирмага яқин таълим, илм-фан муассасалари ва нуфузли клиникалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Институтдаги Инновация марказида жаҳон алоқа тармоғига уланган компьютерлар профессор-ўқитувчилар ва талабалар хизматида. Ушбу марказда дунёнинг тараққий этган мамлакатлари билан ҳамкорлик лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Замонавий шароитлар институтда жаҳон андозалари даражасида чуқур билим олган, мустақил фикрли, интеллектуал салоҳияти юксак, эл саломатлигини асрашда фаол, ташаббускор, етук мутахассисларни тайёрлаш имконини бермоқда.

Институтимизда амалга оширилаётган бундай кенг кўламли ишлар соғлом авлодни камолга етказиш, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Баҳор ХИДИРОВА
ёзиб олди

ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ МЕРОСИДА САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий меросида санъат ва маданият масалалари" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси Санъатшунослик институти, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Париж олий миллий мусиқа ва рақс консерваторияси, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маданият ва санъат соҳаси мутахассислари, хорижлик олимлар, профессор-ўқитувчилар, талаба-изланувчилар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Б.Аҳмедов, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори Б.Сайфуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида миллий маънавиятимизни асраб-авайлаш, буюк мутафаккирларимизнинг номларини тиклаш, уларнинг ҳаёти ва бой меросини ўрганиш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Шарқ алломаларининг тафаккур мактаби ва яратган кашфиётлари илм-фан ва тараққиёт учун долзарб аҳамият касб этади. Мамлакатимизда буюк аждодларимизнинг илм-фан ва санъат ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини чуқур тадқиқ этиш, улардан ёш авлодни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, дўстлик ва меҳр-оқибат руҳида тарбиялашда фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

– Анжуман давомида Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан олиму фузалоларнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлдик, – дейди ЎзА мухбирига Париж олий миллий мусиқа ва рақс консерваторияси профессори Дилан Корлей. – Улар ўз даврида математика, физика, кимё, астрономия, этнография, тиббиёт, тарих, адабиёт, ахлоқ, фалсафа каби кўплаб соҳалар билан бирга мусиқа ва санъатга оид ноёб асарлар яратган. Ушбу асарлар бугунги кунда бутун башариятнинг маънавий мулки ҳисобланади.

Конференцияда мамлакатимизда ва хорижда Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг илмий меросини ўрганиш юзасидан олиб борилаётган тадқиқотлар, эришилаётган натижалар ҳақида сўз юритилди. Илмий тадқиқот мавзулари, алломалар асарларининг санъат ва маданият билан боғлиқ жиҳатлари, театр, кино санъати ва халқ ижодиёти йўналишидаги таълим сифати масалалари муҳокама этилди. Маданий-маънавий бойликни асраб-авайлаш ва кўпайтириш, халқимизнинг бой тарихий мероси, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган миллий театр мактаби, бадиий ижод маҳорати каби масалалар юзасидан фикрлашилди.

Шарқ маданияти, фалсафаси, театрининг ривожланиш босқичлари, алломаларимизнинг мусиқий-эстетик қарашлари, улар илмий ғояларининг жаҳон санъати равнақига таъсири каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Барно МЕЛИҚУЛОВА

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлод орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, таълим-тарбияси ҳамда касб-ҳунар ўрганишига алоҳида эътибор қаратилиб, мутасадди ташкилотлар томонидан турли йўналишларда маданий тадбир ва фестиваллар ўтказилиб келинмоқда.

Тадбирлар

ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ ЁШЛАР

Жумладан, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани "Баркамол авлод" болалар марказида Ўзбекистон Республикаси Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Мирзо Улуғбек ЎСТК унитар корхонаси билан ҳамкорликда "Соғлом оилада камол топар – баркамол авлод" шиори остида "Қизларим қизиққан санъат ва ҳунар" ва "Миллий таомлар" каби мавзуларида икки қисмдан иборат бўлган фестиваль ташкил этилди.

Жумладан, биринчи қисмда ўқувчиларнинг ўзлари тайёрлаган миллий таомларимизнинг намунаси тақдим этилган бўлса, иккинчи қисмида бешта шарт бўйича марказнинг "Мунчоқ безак", "Тўқиш", "Бичиш-тикиш" каби тўгарак аъзоларининг ижодий ишлари тадбир иштирокчиларига ҳавола этилди.

— Мазкур тадбирни ўтказишимиздан мақсад, ўқувчиларни ватанпарварлик ва миллий қадриятлар руҳида улғайишини, вояга етмаганларни мактабдан ташқари таълимга жалб этишга қаратилган тарғибот тадбирларини ўтказишда тўгарак аъзоларининг фаол иштирокини таъминлашдан иборатдир, — дейди Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани "Баркамол авлод" болалар маркази директори Гулмира Шорустамова. — Бу каби тадбирлар ўсиб келаётган ёш авлодни ҳаётга тайёрлаш ҳамда умуминсонийликни тарғиб қила олиш қобилиятини юксалтиришда ва улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Тадбир сўнгида марказнинг иқтидорли ёшларидан ташкил топган "Фольклор рақс", "Фольклор доира" ва "Доира" тўгараги аъзолари томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари намойиш этилди. Тасвирий санъат тўгараги иштирокчилари томонидан ишланган оила ва маҳаллаларни акс эттирган тасвирий ижод намуналари барчага байрамона кайфият улашди. Шунингдек, фестивалда иштирок этган фаол ёшлар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Зафар НАЗАРОВ



ҲАР ЧОКИДА ҚАЛБ ҚЎРИ БОР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Гуллари ва чокининг нафислиги билан ажралиб турадиган кашталарни тикиш кишидан алоҳида зеҳн ва сабр-тоқат талаб қилади. Тайёрланаётган йигирмадан зиёд турдаги ҳунармандлик маҳсулотларининг ҳар бирига буюртмачининг талабига қараб безак берилади. Масалан, адрас кўйлакка қалампирнусха, анор гули, чиннигул ёки лола тасвирлари чокланса, хона жиҳозлари учун мўлжалланган кашталарга нодир нақшлар зарб қилинади.

Ипаклар жилоси муҳим аҳамият касб этишини назарда тутган уста рангларни танлашга алоҳида аҳамият қаратади. Анор пўсти, ёнғоқ, чинор, тут дарахтлари пўстлоғини қайнатиш йўли билан олинадиган бундай табиий рангларни ўзи тайёрлайди.

Мамлакатимизда "устоз — шогирд" анъанаси кенг йўлга қўйилган, турли ўқув марказлари ва маҳаллаларда моҳир устозлар томонидан ёшларга бадиий ҳунармандлик, халқ амалий санъати сирлари пухта ўргатилаётир. М.Қосимбоева ҳам икки юзга яқин ёшга каштачилик сирларини, жумладан, йигирмадан зиёд турдаги миллий либослар тикишни ўргатмоқда. Улардан саксон нафари коллеж битирувчисидир.

– Икки йилдан буён устозим Мадина опадан каштачилик сир-асрорларини ўрганиб келмоқдаман, – дейди Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандлик касб-ҳунар коллежи битирувчиси Мухлиса Холиқова. – Илк бор устозим билан бирга тиккан дастурхон мен учун жуда қадрли. Ҳозир XV-XVI асрларга доир Тошкент сўзаналарини тикиш сирларини ўрганмоқдамиз.

Миллий каштачилик услубида тикилган буюмлар юртимизда ва хорижда харидоргир.

Халқимизнинг энг қадимий санъат турларидан бири – каштачилик қўли гул чеварлар томонидан шакл ва бадиий жиҳатдан янада сайқалланиб, бугунги кунда ҳам миллий, ҳам замонавий кўриниш касб этмоқда. Мадина сингари иқтидорли, салоҳиятли, тиришқоқ ҳунармандлар эришаётган ютуқлар Президентимиз раҳнамолигида қадриятларимизни тиклаш, анъаналаримизни давом эттириш борасида амалга оширилаётган хайрли ишларнинг самарасидир.

(ЎзА)

Санъат

УНУТИЛМАС ОҲАНГЛАР

Ўзбекистон Давлат консерваториясида "Golden Trophy" Халқаро танловлар лауреати ва фестиваллар совриндори "Сўғдиёна" Ўзбек халқ чолғулари давлат камер оркестрининг киномусиқа асари асосида тузилган "Унутилмас оҳанглар" номли концерт дастури бўлиб ўтди.

Ушбу оркестрга Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Феруза Абдураҳимова раҳбарлик ва дрижёрлик қилиб келмоқда.

Концертда турли миллатларнинг ўчмас киномусиқаларидан намуналар томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Шунингдек, ўзбек кинофильмлари ҳамда хориж кинофильмлари куйлари асосидаги мусиқалар оркестр ижросида янгради.

Дастур давомида халқимиз орасида маълум ва машҳур бўлган Бобур кинофильмидан "Яхшилик", Фурқат кинофильмидан "Фиғонким", "Ёр-ёр" кинофильмидан "Самарқанд ҳақида қўшиқ", "Майсаранинг иши" кинофильмидан "Майсарахон", "Масҳарабоз" кинофильмидан "Атиргуллар очилди чиройли", "Опа-сингиллар", каби кинофильмлардан қўшиқлар яккахон хонандалар томонидан ижро этилди.

Концерт сўнгида Ўзбекистон ва Қозоғистон республикасида хизмат кўрсатган артист Азим Муллахонов ўзининг "Шайтанат" кинофильмига ишланган қўшиғини ижро этиб, мухлислар кўнглига қувонч улашди.

Худойберди АБДУРАЗЗОҚОВ,
Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси





Ёқин Шамсиддинов олган суратлар

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ташкил этилган Тасвирий ва амалий санъат фестивали якунига етди. Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида унинг ғолиб ва совриндорлари тақдирланди.

ФЕСТИВАЛЬ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А.Нуриддинов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ижодкорлар учун барча шароит яратилгани, бунинг самарасида маданият ва санъат изчил ривожланаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда бадиий таълимни сифат ва мазмун жиҳатдан бойитиш, ёш истеъдодларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Анъанавий тарзда ўтказилаётган кўргазмалар, кўрик-танловлар ёшларнинг маҳорати ва тафаккурини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу йилги Тасвирий ва амалий санъат фестивалида ҳам истиқлол йилларида мамлакатимиз эришган ютуқ ва марраларни, ёш авлодга қаратилаётган эътибор самараларини намойиш этишга алоҳида аҳамият берилди.

Марказий кўргазмалар зали, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси, Тошкент Фотолар уйи, Халқаро маданият карвон саройи, Камолиддин Беҳзод мемориал боғ-музейи, Ўзбекистон давлат санъат музейида бадиий, фото, амалий санъатга оид ранг-баранг кўргазмалар бўлиб ўтди. Санъатшунослик, музейшунослик соҳалари ривожига бағишланган анжуманлар ўтказилди.

Фестивалнинг ҳар бир куни Бадиий академия тасарруфидаги ўқув муассасаларига бағишлангани уларнинг фаолиятини таҳлил этиш, ижодий ташкилотлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Миллий либослар тақдимоти, ҳужжатли фильмлар намойиши, концертлар фестивалга ранг-баранглик бағишлаган бўлса, устоз мусаввирлар иштирокидаги маҳорат сабоқлари, ижодий мулоқотлар ёшлар билимини янада бойитди.

Ёшлар ўз устозлари – Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Тошкент архитектура-қурилиш, тўқимачилик ва енгил саноат институтлари, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, санъат йўналишидаги коллеж ва лицейлар педагогларининг ижоди билан танишди.

Марказий кўргазмалар залига туташ ҳудудлар, сўлим хиёбонлар юртимиз манзараларини акс эттираётган, амалий санъат буюмлари ясаётган ёшлар билан гавжум бўлди. Анҳор соҳилида ўтказилган машғулотлар Ватанимиз истеъдодларга бой эканини яна бир карра намойиш этди. Асфальтга расм чизиш танлови жажжи болакайлар, мактаб ўқувчиларига бир олам завқ бағишлади.

– Ушбу фестиваль ёш авлод камолоти йўлида кўрсатилаётган улкан меҳр ва эътиборни яққол намоён этди, – дейди ЎзА мухбирига Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти проректори Дилфуза Раҳматуллаева. – Ранг-баранг кўргазмалар, маҳорат дарслари, анжуманлар ёшларга Ватанни, истиқлол неъматларини, маданиятимиз ва санъатимизни, анъана ва қадриятларимизни ардоқлаш масъулияти ҳақида сабоқ берди.

– Фестиваль доирасидаги машғулотларда яхши рассом бўлмоқлик учун истеъдод, билим билан бирга фидойилик, меҳнатсеварлик, қунт, сабот ҳам зарурлигига ишонч ҳосил қилдим, – дейди Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатининг 7-синф ўқувчиси Шаҳбоз Улуғбоев. – Устоз-мураббийларимиз билан бирга биз, ёшларнинг ҳам ишларимиз кўргазмаларда намойиш этилди.

Фестиваль ғолиб ва совриндорларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Назокат УСМОНОВА

Тадбирлар

САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни спортга жалб этишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Олмазор туманидаги 298-мактабда "Соғлом турмуш тарзи – саломатлик гарови" шиори остида тадбир ўтказилди.

Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ҳамда туманда жойлашган 14-оилавий поликлиника томонидан ташкил этилган тадбирда муассасанинг мутасадди вакиллари, ўқитувчи ҳамда ўқувчилар қатнашди.

Барчага маълумки мустақиллик йилларида она ва бола саломатлигига бўлган эътибор кучайди. Аҳоли, айниқса йигит-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзининг тарғиботи борасида ҳам ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Мазкур тадбирни ўтказишдан асосий мақсад ўқувчиларнинг соғлом турмуш тарзи ва репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш борасидаги билимлари ва тиббий саводхонлигини ошириш, тиббиёт соҳасидаги янги маълумотлардан бохабар этиш ҳамда улар ўртасида нохуш ҳолатларнинг олдини олишдир.

— Соғлом ва баркамол авлодгина юрт келажагига ўз ҳиссасини қўшиши мумкин, — дейди 14-ОП бош шифокори Г.Жумаева. — Поликлиника ҳудудида 8 та маҳалла, 3 та мактаб, 5 та мактабгача таълим муассасаси жойлашган бўлиб, режа асосида жойларда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, турли касалликларнинг олдини олишга қаратилган давра суҳбатлари ўтказиб келинади. Таълим муассасаларида доимий равишда ўқувчилар саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида тиббий кўриклар ташкиллаштирилиб, ҳар бир ўқувчи таълим муассасасига бириктирилган шифокор, умумий амалиёт шифокорлари назоратида кўрикдан ўтказилади. Шу билан бирга ўқувчи-ёшлар ўртасида барча турдаги касалликларнинг олдини олиш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади.

Таъкидлаш жоизки, коллеж ўқувчиларининг соғлом турмуш тарзи, репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш борасида билимга эга бўлишлари учун малакали мутахассислар томонидан семинар ва ўқув машғулотлари ўтказилмоқда.

Тадбир давомида ўқувчиларга репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш, эрта никоҳ, эрта ҳомиладорлик, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш борасида маълумотлар берилди. Бу каби ҳолатларнинг салбий оқибатлари мисоллар билан тушунтириб ўтилди. Фикр-мулоҳазалар билдирилиб, иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

(Ўз мухбиримиз)

Олимпиада — 2016

ОЛИМПИАДАГА ЙЎЛЛАНМА

Бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Анастасия Сердюкова Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтаётган мусобақада муваффақиятли иштирок этди.

Ўзбекистон миллий олимпия қўмитасидан маълум қилинишича, Анастасия Сердюкова тасма билан машқ бажаришда 16.766, ҳалқада 16.983, тўп билан машқ бажаришда 16.800, булавада 16.316 балл, умумий ҳисобда 66.865 балл жамғарган ва XXXI ёзги Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган.

Мусобақанинг гуруҳ баҳсларида Луиза Ганиева, Зарина Қурбонова, Марта Растабурова, Самира Амирова ва Валерия Давидовадан иборат жамоамиз совринли ўринлар учун курашади. Гуруҳ баҳсларида кучли учликка кирган жамоалар Олимпиада йўлланмасига эга бўлади.

Аввал хабар берганимиздек, Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтаётган мусобақада спорт гимнастикаси усталари Антон Фокин ва Оксана Чусовитина, трамполинчи Екатерина Хилько ҳам Олимпиада йўлланмасига сазовор бўлган эди.

Ҳозирча мамлакатимиз спортчилари XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига 67 та йўлланмани қўлга киритди.

Б.АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

Пойтахтимиздаги муҳташам "Ўзбекистон" спорт саройида уч кун давомида дзюдо бўйича Осиё чемпионати беллашувлари ўтказилди.

ПОЛВОНЛАРИМИЗ ҚИТЪАДА ТЕНГСИЗ

Эркаклар ўртасида жамоавий йўналишда баҳс олиб борган терма жамоамиз вакиллари биринчи босқичда Покистон терма жамоаси таркиб борасида муаммога дуч келгани учун беллашувсиз чорак финалга йўл олишди. Бу даврада Жанубий Корея термаси, ярим финалда эса Қозоғистон термаси мағлубиятга учратилди.

Дзюдо мухлислари орзиқиб кутган финал учрашувида ҳамюртларимизга Мўғулистон терма жамоаси рақиб бўлди. Дастлабки учта баҳсда Шарофиддин Лутфуллаев, Мирали Шарипов ҳамда Яҳё Имомов ғалаба қозонгач, олтин медаллар ҳамюртларимизга насиб қилиши маълум бўлди. Шунингдек, юқори вазн тоифаларида Шерали Жўраев ҳамда Абдулло Тангриев ҳам иштирок этишди.

Терма жамоамиз таркибида чорак ва ярим финалларда Ришод Собиров, Шаҳзод Собиров, Сойиб Қурбонов ҳамда Шерали Жўраев каби тажрибали спортчилар муносиб қатнашиб, ғалабага ўз ҳиссаларини қўшишди.

Фарангиз МУҲАМЕДБОБОЕВА

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш, уларнинг билим олишлари ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Жорий – "Соғлом она ва бола йили"да ҳам ушбу хайрли амаллар изчил давом эттирилмоқдаки, буни биз республика миқёсида ўтказилаётган турли тадбирлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

"Ёш автоназоратчилар — 2016"

МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШДИ

Жумладан, куни кеча мана шундай тадбирлардан бири "Ёш автоназоратчилар – 2016" мусобақасининг Сергели тумани босқичи бўлиб ўтди. Беллашув Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар кенгаши тасарруфидаги Сергели тумани ўқув спорт техник клубида ташкиллаштирилди. Унда тумандаги мактаблардан ўз ҳудудлари бўйича ғолиб бўлган 6 та мактабнинг ёш автоназоратчилари қатнашди.

Беллашувларга киришиш олдидан тумандаги 598-мактабгача таълим муассасасининг иқтидорли болажонлари ўзларининг саҳна кўринишлари билан тадбир қатнашчиларининг кўнгилларини хушнуд этишди.

Шундан сўнг мусобақа шартларини бажариш учун старт берилди. Якунда барча шартларни аъло даражада адо этишга ҳаракат қилган туманнинг 8-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари биринчи ўринга лойиқ кўрилди. Иккинчи ўринга 7 ва 104, учинчи ўринга эса 300, 303 ҳамда 317-мактаблар лойиқ кўрилди. Ғолибларга ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлиқ ва ташаккурномалар тантанали равишда топширилди.

– Туманимизнинг барча мактабларида ушбу мусобақада ўзларининг маҳоратларини кўрсатиб, ҳудудий танловлардан шу кунгача 6 та мактаб жамоаси тенгсиз деб топилиб, туман босқичигача етиб келишди, – дейди Сергели тумани Халқ таълими МФМТ ва ТЭ бўлими Маънавий-ахлоқий тарбия шўъба раҳбари Гулмира Эгамбердиева. – Кўплаб мактаблар орасида шу даражага эришишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун тиниммиз меҳнат, машғулот ва изланиш талаб этилади. Бу борада мактаб раҳбарияти ва шу йўналишда таълим бераётган ўқитувчи-мураббийларнинг ҳам ўрни катта, албатта.

Энди "Ёш автоназоратчилар – 2016" танловининг Тошкент шаҳар босқичида 8-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларидан иборат жамоа Сергели тумани шарафини ҳимоя қилишади.

Мирзоулуғбек АЛИМОВ,
ИИББ ЙҲХБ инспектори
Сарвар СОБИРОВ,
журналист

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.
Факс: (371) 232-11-39.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

"Физика-Қуёш" ИИЧБси жамоаси физика-техника институти лабораторияси мудири, физика-математика фанлари доктори Т.М.Розиқовга турмуш ўртоғи
Мапратхон Асадуллаевна ХЎЖАЕВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида ***27 апрель*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 12-14, кундузи — 27-29 даража иссиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***27 апрелда*** *Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9224
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 455
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10372 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 13.20
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ